

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКОВА ШАМСИЯ ДЖАББАРОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР КОММУНИКАТИВ
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Бекова Шамсия Джаббаровна

Мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантириш-
нинг психологик хусусиятлари.....3

Бекова Шамсия Джаббаровна

Психологические особенности формирования коммуникативных способ-
ностей дошкольников.....23

Bekova Shamsiya Jabbarovna

The development of communicative abilities of preschool children in terms of
psychological features.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКОВА ШАМСИЯ ДЖАББАРОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР КОММУНИКАТИВ
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/P 178 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекназарова Лола Садиновна
психология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдурасулов Рустам Абдураимович
психология фанлари доктори, доцент

Назирова Лола Василжановна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» март куни соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32, факс: (+99871) 276-76-51, e-mail: tdpukengash@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (403 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» март куни тарқатилди.
(2021 йил «22» март даги 33 рақамли реестр баённомаси).


Е.Б.Шоумаров
илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор
Х.А.Тиллашайхова
илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш илмий котиби, психол.ф.н.,
доцент
В.М.Каримова
илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли мамлакатларида сўнгги йилларда онтогенезда коммуникатив қобилиятларнинг ривожланиши, мактабгача ёшдаги болада коммуникатив қобилият, унинг когнитив, ҳиссий-эмоционал ҳамда бевосита коммуникатив соҳаларининг ривожланиши ва намоён бўлишига оид замонавий технологиялар амалиётга татбиқ этилган. Психик тараққиёт қонуниятларига кўра, мактабгача ёш даври ўзига хос ёш босқичи бўлиб, болада когнитив, ҳиссий-эмоционал, коммуникатив соҳалар интенсив равишда ривожлана бошлайди, айниқса, бола ўйин фаолияти давомида, тенгдошлар ва катталар билан ўзаро алоқа ўрнатиш орқали ижтимоий тажриба ҳамда ижтимоий муносабатлар тизимини ўзлаштиради. Бу эса ўз-ўзидан ижтимоийлашув жараёнини таъминлайди ва бола коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Жаҳон мактабгача таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида коммуникатив қобилиятларни шакллантиришнинг локал-модулли технологиялари, диагностик тизимини такомиллаштириш, коммуникатив қобилиятларни шакллантиришнинг электрон мониторинг тизимини яратиш, коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришнинг психологик, дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, ҳиссий кечинмалар, шахслараро муносабатлар, субъектнинг шахслараро шаклланишига шароит яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятни шакллантирувчи омилларни белгилаш, психологик тренинглар ва ролли ўйинлар воситасида болаларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантирувчи психологик омилларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда болаларда интеллектуал, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва мулоқот маданиятини ривожлантириш каби шароитларни яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам ота-оналарнинг педагогик маданиятини, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган¹. Натижада мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – 6 (766)-сон. – Б.140.

шакллантиришнинг психологик механизмларини аниқлаш, таълим тизимининг бошланғич босқичидаёқ шахс сифатида шакллантиришга оид илмий изланишларни чуқурлаштиришга имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, мактабгача таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини такомиллаштиришга оид норматив-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг I. “Демократик давлатни ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача ёшдаги болаларда мулоқот кўникмаларининг шаклланиши, бола шахсини тадқиқ этишга доир амалий методикалар ҳамда бола шахсида ижтимоий хулқ-атвор намуналарининг шаклланиши М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, К.Б.Қодиров, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, З.Т.Нишонава, Р.И.Суннатова, С.А.Ахунжонова, Ш.А.Дустмухамедова, Д.И.Илхамова, Ў.Б.Шамсиев, М.А.Нарбашева, Л.В.Назирова, Р.Н.Исмаилова, Д.М.Мирзажонова, Б.Б.Нуруллаевалар томонидан тадқиқ этилган.

В.В.Давыдов, А.В.Петровский, Н.Н.Поддьяков, С.И. Капчеля илмий қарашларида коммуникация воситалари, алоқа натижасида яратилган моддий ва маънавий тарбия сифатлари В.К.Котырло, Я.Л.Коломинский, А.А.Леонтьев, Б.Ф.Ломов, Б.Д.Парыгин, Т.А.Репина, А.А.Рояк, А.Г.Рузская, Е.О.Смирнова, А.П.Усова, П.М.Яноушек, В.В.Давыдов, И.Л.Зимняя, Г.Г.Кравцов, В.Т.Кудрявцев, И.С.Якиманская, Л.С.Усова, Р.С.Бурелар томонидан тадқиқ этилган.

G. Krayg, Z.Frayd, K.A.Kerns, M.H.Mallors, A.Piz, J.Piaje каби хорижлик мутахассислар мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантириш орқали улардаги ижтимоий муносабатларнинг психологик жиҳатдан шаклланишида оиланинг ва тенгдошлари билан мулоқотнинг ўрни тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Қарши давлат университети илмий тадқиқот режаларининг БВФ-0-01-“Вояга етмаганларнинг информацион

хавфсизлигини таъминлашда фанлараро ёндашувнинг илмий-методик асосларини яратиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятлар шаклланишнинг самарали психологик шарт-шароитларни эмпирик йўл билан тадқиқ этиш ва улардаги коммуникатив кўникмаларни психокоррекция қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив хусусиятлари шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни бола коммуникатив қобилият ва кўникмалари шаклланишига таъсирини таҳлил этиш;

мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилият ва кўникмаларини шакллантирувчи психокоррекция машғулотлар ёрдамида бола билан коммуникатив алоқа ўрнатиш ва ихтиёрий хулқ-атвор даражасини аниқлаш;

психологик тренинг ва ролли ўйинлар воситасида мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятларга алоқадор сифатлар (хулқий ва ҳиссий кечинмалар, когнитив ва эмоционал хулқ-атвор хусусиятлари)ни шакллантирувчи етакчи психологик омилларни аниқлаш;

мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантириш бўйича психокоррекция натижалар асосида психологик ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятлар шаклланиш жараёни бўлиб, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, Қашқадарё вилояти Косон тумани, Самарқанд шаҳри мактабгача таълим ташкилотларининг 5-6 ёшдаги тарбияланувчилари (425 нафар) ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив қобилиятлари ва кўникмаларини шакллантиришни таъминловчи психологик омиллар, хусусиятлар ҳамда педагогик-психологик имкониятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, Л. Красильникова томонидан ишлаб чиқилган “Бола билан коммуникатив алоқа ўрнатиш ва ихтиёрий хулқ-атвор даражасини аниқлаш”, Н.Е. Вераксининг “Коммуникатив имкониятларни ўрганиш” ҳамда Рене Жилянинг “Оила расми” методикалари, психологик-педагогик эксперимент, математик статистика методлари (К.Пирсоннинг r -корреляция коэффициенти, Стъюдентнинг t -мезони)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилиқ даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантиришига таъсир қилувчи психологик омиллар, бевосита оилавий муносабатларда, тенгдошлар гуруҳида, гуруҳлараро муносабатларда намоён бўладиган коммуникатив алоқа сифатлари боғлиқлигини “Коммуникатив имкониятларни ўрганиш” методикаси асосида аниқланган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив фаолиятга киришиш жараёнида, яъни хулқий кечинмаларга нисбатан ҳиссий кечинмалар ва эмоционал хулқ-атвор хусусиятларнинг устунроқ кечиши, бола билан коммуникатив алоқа ўрнатишда уларнинг ихтиёрий даражада когнитив хулқ-атвор хусусиятларига қараганда, когнитив хусусиятлар устувор эканлиги “Бола билан коммуникатив алоқа ўрнатиш ва ихтиёрий хулқ-атвор даражасини аниқлаш” методикаси асосида аниқланган;

болалар коммуникатив қобилиятларининг намоён бўлишида оиладаги яқинлик муносабатлари (“ота-онага бўлган муносабат”, “ака-ука ва опасингилларга бўлган муносабат”, “буви ва боболарга бўлган муносабат”, “мулоқотчанлик” ва “хулқ-атворнинг ижтимоий адекватлиги”)нинг устиворлиги “Оила расми” методикаси натижаларини дифференциаллаштириш асосида аниқлаштирилган;

мактабгача ёшдаги болалар билан коммуникатив алоқа ўрнатиш кўникмалари, хулқий ва ҳиссий кечинмалар, ахборот қабул қилиш ва узатиш, тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатга киришиш, гуруҳий ишлаш нормаларига амал қилиш когнитив, эмоционал, мотивацион, хулқ-атвор соҳаларига таъсир этиш орқали шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи ўйин технологиялари асосида шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коммуникатив қобилиятларни мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида психологик жиҳатдан ўрганишга доир методика сўровномалари амалиётга олиб чиқилган ва уларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари аниқланган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантиришга хос психологик имкониятларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган;

мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантириш орқали улардаги ижтимоий муносабатларнинг психологик жиҳатдан шаклланиши ва барқарор кечишида юзага келган ўзгаришлар аниқланган;

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантириш бўйича тренинг дастури амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган психодиагностик тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган ва “Психология” кафедраси қошида ташкил этилган “Ёш психолог” касбий тўгараги фаолиятида амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот иши жараёнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган синалувчиларнинг мос равишда танлаб олинганлиги, уларнинг репрезентативлиги, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, жаҳон психологияси тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган методикалардан фойдаланилганлиги, валидлилиги, олинган амалий натижаларнинг назарий асослаб берилганлиги, амалий натижалар миқдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги,

жамоатчилик ўртасида олинган натижалар етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда тўпланган натижаларнинг илмий аҳамияти мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи болаларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантиришга оид назарий ҳамда методологик жиҳатдан янги маълумотлар билан бойитилганлиги ва қўлга киритилган натижалар ушбу муаммонинг методологик асосларини такомиллашувига ва болалардаги коммуникатив алоқаларни катталар билан ўрната олишлари билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса мактабгача таълим ташкилотлари тизимида психологик хизматни ташкил этишда, бошланғич синфга қабул қилиш жараёнида болаларда ўқув фаолиятини ўзлаштириш учун юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда, коммуникатив қобилиятлар, ақлий-интеллектуал жараёнларни ривожлантириш самарадорлигини оширишда, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан мактабгача таълим ташкилоти психологи, педагог тарбиячилар таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланишлари билан амалий тайёргарлигини оширишда ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг психологик хусусусиятлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантиришига таъсир қилувчи психологик омиллар, бевосита оилавий муносабатларда, тенгдошлар гуруҳида, гуруҳлараро муносабатларда намоён бўладиган коммуникатив алоқа сифатлари боғлиқлигини “Коммуникатив имкониятларни ўрганиш” методикаси асосида аниқланган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги 7-сонли буйруғига асосан “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-76 -сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида бўлажак педагог-психологлар, мактабгача таълим муассасаларига психологик хизмат кўрсатишга тайёрланувчи амалиётчи психолог мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган.

мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив фаолиятга киришиш жараёнида, яъни хулқий кечинмаларга нисбатан ҳиссий кечинмалар ва эмоционал хулқ-атвор хусусиятларнинг устунроқ кечиши, бола билан коммуникатив алоқа ўрнатишда уларнинг ихтиёрий даражада когнитив хулқ-атвор хусусиятларига қараганда, когнитив хусусиятлар устивор эканлиги “Бола билан коммуникатив алоқа ўрнатиш ва ихтиёрий хулқ-атвор даражасини аниқлаш” методикаси асосида аниқланган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги 7-сонли буйруғига асосан “Шахслараро муносабатлар

психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7б -сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбиячилар, психологлар, етакчи мутахассислар ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг билимларини чуқурлаштириш имконияти оширилган.

болалар коммуникатив қобилиятларининг намоён бўлишида оиладаги яқинлик муносабатлари (“ота-онага бўлган муносабат”, “ака-ука ва опа-сингилларга бўлган муносабат”, “буви ва боболарга бўлган муносабат”, “мулоқотчанлик” ва “хулқ-атворнинг ижтимоий адекватлиги”)нинг устиворлиги “Оила расми” методикаси натижаларини дифференциаллаштириш асосида аниқлаштирилган таклиф ва тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги 7-сонли буйруғига асосан “Оила психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7б-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлажак психологларнинг коммуникатив қобилиятни шакллантиришнинг ўзига хослиги, унинг психологик механизмлари, коммуникатив қобилиятни таъминловчи психологик омиллар ҳақидаги билимлари такомиллаштирилиб, назарий-қасбий тайёргарлигини сифат жиҳатдан ошириш имконияти яратилган.

мактабгача ёшдаги болалар билан коммуникатив алоқа ўрнатиш кўникмалари, хулқий ва ҳиссий кечинмалар, ахборот қабул қилиш ва узатиш, тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатга киришиш, гуруҳий ишлаш нормаларига амал қилиш когнитив, эмоционал, мотивацион, хулқ-атвор соҳаларига таъсир этиш орқали шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи ўйин технологиялари асосида шакллантирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигида амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 11 мартдаги №03-01/1-980-сонли маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилоти муассасаларида болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг амалий фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларининг унумдорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятлар муаммосининг назарий асослари”** деб номланган бўлиб унда коммуникация муаммоси психология фанининг тадқиқот мавзуси сифатида талқин қилиниши назарий манбалар асосида ёритиб берилган. Назарий таҳлил асосида коммуникатив қобилиятларни мактабгача ёшдаги болаларда шаклланишининг психологик хусусиятлари ва ўйин фаолиятининг аҳамиятли томонлари кўрсатиб ўтилган.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив ривожланиши муаммоси борасидаги эътиборга лойиқ илмий изланишларни қатор психологлар А.Леонтьев, С.Рубинштейн, М.Каган, М.Лисина, Д.Эльконин, А.Валлон, Ж.Пиажеларнинг ишларида кўриш мумкин. Бунда асосий эътибор мулоқот ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга қаратилган. Бундан фарқли ўлароқ, болаларда коммуникатив қобилиятлар ривожланишнинг турли соҳалар билан ўзаро алоқаси ва таъсири, интеллектуал ривожланиш, ҳиссий кечинмалар, шахслараро муносабатлар, воситачи фаолият, шахс сифатида шаклланиш каби масалалар билан боғлаб ўрганиш ҳолатлари тадқиқотчилардан Б.Ананьев, Л.Выготский, Л.Божович, Л.Венгер, П.Гальперин, О.Гордеева, И.Дубровин, Л.Выготский, А.Леонтьев, М.Лисина, Б.Мухина, Г.Андреева, А.Бодалев, Й.Коломинский, Б. Ломов, Э.Смирнова, А.Усова каби тадқиқотчиларнинг изланишларида кўриш мумкин.

Боғчадаги ҳаёт давомидаги болада ўртоқларига қизиқиш эҳтиёжи ва миннатдорчилик ҳиссини олишга бўлган эҳтиёжлар шаклланиши бошланади, яъни бу ҳолат шерикларини ўзига диққат билан қаратишга ёки юқори даражадаги ёрқинликка эришиш мотивлари билан характерланади.

Ўзбекистонлик психолог олимлари томонидан ҳам бу борада эътиборга лойиқ изланишлар олиб борилган. Уларнинг тадқиқот ишларида мактабгача ёшдаги болаларда мулоқот кўникмаларининг шаклланиши, бола шахсини тадқиқ этишга доир амалий методикалар ҳамда бола шахсида ижтимоий ҳуқуқатвор намуналарининг шаклланиши, болаларда ассиметрия ҳисси ва унинг ўқув фаолиятига таъсири каби илмий мулоҳазалар тадқиқ этилган. Жумладан, М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, К.Б.Қодиров, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, З.Т.Нишоновна, Р.И.Суннатовна, С.Ахунжоновна, Ш.А.Дусмухамедова, Д.И.Илхамова, Ў.Б.Шамсиев, М.А.Нарбашева, Р.Н.Исмаилова, Л.Назирова,

Д.М.Мирзажоннова, Б.Б.Нуруллаева каби тадқиқотчиларнинг изланишлари таҳсинга сазовордир². Мамлакатимиз олимлари юқорида келтирилган хориж тадқиқотчиларидан фарқли ўлароқ, муаммонинг онтогенетик ва оила муҳити омиллари билан боғлиқлик жиҳатлари орқали, ушбу жиҳатларнинг этнопсихологик қирраларини ҳам ёритишга кенг эътибор қаратишган.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Мақтабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантиришнинг илмий-услубий жабҳалари”** деб номланиб, унда мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив кўникмаларни шакллантиришга доир илмий ёндашувлар, коммуникатив қобилиятнинг методологик асослари, таниқли психолог олимларнинг илмий ёндашувлари ва ишончли тадқиқот методлари, психодиагностик мақсадларни амалга ошириш босқичлари, диссертацион изланишда қўлланиладиган методикаларнинг умумий тавсифлари бериб ўтилган. Шунингдек, мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларда коммуникатив қобилиятларни белгиловчи психологик жиҳатлар ҳамда коммуникатив имкониятлар, ихтиёрий хулқ-атвор ва оилавий муносабатлар жараёнидаги сифатлар ўртасидаги алоқадорлик омилларини аниқлашга қаратилган.

1- жадвал

“Бола билан коммуникатив алоқа ўрнатишва ихтиёрий хулқ-атвор даражасини аниқлаш” (Л. Красильникова) сўровномаси натижалари (Стъудентнинг t-мезони бўйича)

Шкалала р	Қарши шаҳри (N = 143)			Самарқанд шаҳри (N = 141)			Косон тумани (N = 137)		
	М	Стан дарт оғи ш	Т статс тика	М	Стан дарт оғи ш	t- стати стика	М	Стан дарт оғи ш	t- стат исти ка
Тўғри жавоблар	19,70	3,54	2,71*	22,02	3,47	3,01* *	17,52	3,524	3,52* *
Нотўғри жавоблар	2,64	2,06	3,23**	1,60	1,89	2,14*	4,04	2,740	2,82*
Бетараф жавоблар	2,66	1,96	3,22**	1,38	1,74	1,88*	3,44	1,606	2,90*

² Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. Т, 2002; Ғозиев Э.Г. Психология. Т., 1994; Қодиров К.Б. Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий ташхис. – Ном. Дисс. Т. 2001.; Каримова В.М. Янги турдаги таълим муассасаларидаги ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг психологик муаммолари // Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. -Т, 1998. Б.10-13; Шамсиев У.Б. Бола ижтимоийлашувида оиланинг роли// Республика илмий-амалий мақолалар тўплами.-Т.,ЎзмУ, 2011.-Б. 22-26. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси Қарши, 2015. .



1 расм. “Бола билан коммуникатив алоқа ўрнатишва ихтиёрий хулқ-атвор даражасини аниқлаш” (Л. Красильникова) сўровномаси натижалари

Умумий ҳолда олганда, синалувчиларнинг саволларга берган жавобларидан шуни кузатиш мумкинки, катталар, ота-оналар ва тарбияланувчилар ўртасидаги коммуникатив алоқаларнинг ижобий шаклланганлиги, боланинг хоҳиш-истакларини катталар инобатга олиши, тарбияланувчиларнинг ақлий қобилият хусусиятлари, уларнинг психологик майдонда бемалол фаолият юритиши билан белгиланади.

2- жадвал

Болалардаги коммуникатив имкониятларни аниқлаш методикаси (Н.Е. Веракс) умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

Шкалалар	Қарши шахри (N = 143)			Самарқанд шахри (N = 141)			Косон тумани (N = 137)		
	М	Стан дарт оғи ш	Т ста тет ик а	М	Стан дарт оғи ш	t- стат исти ка	М	Стан дарт оғи ш	t- стат ист ика
Ҳаракат вазиятларини билмай диган	0,32	0,47	1,45*	0,26	0,44	1,39*	0,06	0,24	1,13*
Ҳаракат вазиятларга мос тушмайдиган	0,84	0,99	1,12*	1,00	1,01	1,29*	0,68	0,95	1,95**
Ҳаракат вазиятларини аниқ биладиган	0,72	1,29	1,09*	0,66	1,25	1,02*	1,80	1,48	2,22**

Каттага бўлган муносабатни билмайдиган	0,02	0,14	1,06*	0,02	0,14	1,06*	0,02	0,14	1,06*
Катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган	0,80	0,99	1,08*	0,60	0,92	1,86*	0,20	0,60	1,37*
Катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган	1,82	0,47	2,31**	2,20	1,64	2,67*	3,04	1,22	3,39**

Н.Е. Веракс томонидан ишлаб чиқилган болалардаги коммуникатив имкониятларни аниқлаш методикаси натижалари умумий қийматда болалардаги коммуникатив имкониятлар ва қобилиятларнинг меъёрий даражада эканлигидан далолат беради. Шунингдек, болаларда катталар ва ота-оналарга нисбатан мулоқот жараёнларининг нормал ҳолатда амалга ошириши, ижтимоий муносабатларни яхши йўлга қўйиши ва ўзаро бир-бирларини тушунишга ёрдамчи механизмни ташкил этиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятлари ривожланишининг психологик хусусиятлари қуйидаги характерологик омиллар билан фарқланди: боғча ёшидаги тарбияланувчиларда когнитив ва эмоционал хулқ-атворни ривожлантириш ва шу орқали уларда коммуникатив муносабатларни йўлга қўювчи хусусиятларни шакллантириш, боладаги ақлий қобилиятларни ривожлантириш ва коммуникатив қобилиятлар ривожланишига асос бўла олиш, ота-оналар ва атрофдаги шахслар боғча ёшидаги болалар хоҳиш-истакларини, қизиқишларининг йўналганлигини ва шахслилик хусусиятларини эътиборга олиши ва ижтимоий муносабатларни амалга оширишда улар билан кўпроқ мулоқот ва муомала жараёнларида ижобий равишда салоҳиятни ҳосил қилиш орқали коммуникатив қобилиятларни шакллантириш имконини яратиб бериши мумкин.

“Мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг амалий тадқиқи” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида мактабгача тарбия ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятлар шаклланиш даражаларининг ўзиги хослиги, ижтимоий муносабатларнинг бола коммуникатив қобилиятлари шаклланишига таъсири, коммуникатив алоқа ўрнатишда уларнинг хулқ-атвор кечинмаларига ота-она ва тарбиячиларнинг эътибор қаратишлари лозимлиги, фаолият жараёнида хулқий кечинмаларга нисбатан ҳиссий кечинмалар ва эмоционал хулқ-атвор, когнитив хусусиятларнинг меъёрий даражалари аниқлашга эътибор қаратилган.

Шунингдек, боланинг педагог тарбиячиларга, ота-оналарига бўлган муносабатларни англаши ва ҳис эта олиш каби омиллар ўрганилган. Ушбу ҳолатларнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида мактабгача ёшдаги болалар

коммуникатив қобилиятларининг психологик хусусиятларини шакллантиришга ёрдам берувчи психокоррекцион ишлар амалга оширилган.

3- жадвал

“Оила расми методикаси”(Рене Жиля) бўйича коммуникатив қобилиятлар шаклланиш даражасининг факторли таҳлил кўрсаткичлари

Шкалалар	компонентлар				
	1	2	3	4	5
онага бўлган муносабат	0,675				
отага бўлган муносабат	0,679				
ота-онага бўлган муносабат,ота-она сифатидек қабул қилиш	0,445	-0,394		0,666	
ака-ука ва опа-сингилларга муносабат	0,455				0,634
буви ва боболарга муносабат			0,715		
дўсти ва дугонасига муносабат	0,474		- 0,609		
Педагогга бўлган муносабат	0,448				
қизиқувчанлик		-0,447			- 0,489
лидерлик		0,507		0,627	
мулоқотчанлик	0,493		0,395		
ёпиқлик, қарама-қаршилик		0,471		-0,390	
хулқ-атворнинг ижтимоий адекватлиги	0,561				

Қарши шахридаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг «Оила расми» методикаси бўйича факторли таҳлил кўрсаткичларини психологик таҳлил бирликлари қуйидагиларни ташкил этди.

Биринчи шкалага кирган бирликлар: онага бўлган муносабат, отага бўлган муносабат, ота-онага бўлган муносабат, яъни ота-она сифатидек қабул қилиш, ака-ука ва опа-сингилларга муносабат, дўсти ва дугонасига бўлган муносабат, педагогга бўлган муносабат, мулоқотчанлик ва хулқ-атворнинг ижтимоий адекватлиги каби натижалар юқори вазнга ва аҳамиятлилики даражаси каттароқ кўрсаткичга эга бўлди.

Иккинчи шкалага кирган юқори вазнга эга бўлган бирликлар; ота-онага бўлган муносабат яъни ота-она сифатидек қабул қилиш, дўсти ва дугонасига бўлган муносабат, буви ва боболарга бўлган муносабат, лидерлик ва ёпиқлик яъни қарама-қаршилик каби кўрсаткичларни кузатиш мумкин.

Учинчи шкалага кирган юқори вазндаги бирликлар: буви ва боболарга бўлган муносабат ва дўсти ва дугонасига бўлган муносабатлар каби кўрсаткичларни ташкил қилган.

Тўртинчи шкалага кирган юқори аҳамиятли кўрсаткич бирликлари: ота-онага бўлган муносабат яъни ота-она сифатидек қабул қилиш ва лидерлик кабилардир.

Бешинчи шкалага кирган бирликлар: ака-ука ва опа-сингилларга бўлган муносабат ва қизиқувчанлик каби факторлар асосий жиҳатларни қамраб олган.

4- жадвал

Бола билан коммуникатив алоқа ва ихтиёрий хулқ-атвор ва коммуникатив имкониятларни ўрганиш даражасининг факторли таҳлил кўрсаткичлари

Шкалалар	Компонентлар			
	1	2	3	4
тўғри саволлар	-0,968			
нотўғри саволлар	0,923			
бетараф саволлар	0,926			
ҳаракат вазиятларини билмайдиган			0,617	0,531
ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган			-0,942	
ҳаракат вазиятларини биладиган			0,475	-0,803
катталарга бўлган муносабатни билмайдиган				0,444
катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган		0,878		
катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган		-0,904		

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида синалувчиларнинг берган мулоҳазалари натижалари факторли таҳлил бўйича кўрсаткичлар 4 та шкалага бирлашди.

Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: нотўғри саволлар 0,923 ва бетараф саволлар 0,926 каби натижаларга бирлашди ва биринчи шкаланинг асосий категориясини белгилаб берган.

Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган 0,878 ва катталарга бўлган муносабатни аниқ даражада биладиган 0,904 натижа билан алоҳида аҳамият касб этди.

Учинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: ҳаракат вазиятларини билмайдиган 0,617 ва ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган 0,942 ва ҳаракат вазиятларини биладиган 0,475 даража билан ўзаро фарқли равишда намоён бўлган.

Тўртинчи шкалани ташкил этган психологик бирликлар: ҳаракат вазиятларини билмайдиган 0,531, ҳаракат вазиятларини биладиган 0,803 ва катталарга бўлган муносабатни билмайдиган 0,444 каби фарқлар билан алоҳида характерланди.

5- жадвал

Бола билан коммуникатив алоқа ўрнатиш, ихтиёрий хулқ-атвор ва коммуникатив имкониятлар ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти бўйича)

Тўғри саволлар	Нотўғри саволлар	-0,885**
	Бетараф саволлар	-0,871**
Нотўғри саволлар	Бетараф саволлар	-0,542**
Ҳаракат вазиятларини билмайдиган	Ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган	0,584**
	Ҳаракат вазиятларини биладиган	-0,385**
Ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган	Ҳаракат вазиятларини билмайдиган	0,584**
	Ҳаракат вазиятларини биладиган	0,478**
	Ҳаракат вазиятларини билмайдиган	-0,385**

Ҳаракат вазиятларини биладиган	Ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган	0,478**
Катталарга бўлган муносабатни билмайдиган	Катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган	0,295*
Катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган	Катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган	0,866**
	Катталарга бўлган муносабатни билмайдиган	0,295*
Катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган	Катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган	0,866**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг бола билан коммуникатив алоқа ўрнатиш, ихтиёрий хулқ-атвор ва коммуникатив имкониятларни ўрганиш методикалари бўйича факторлар орасидаги корреляцион алоқалар кўпроқ тўғри саволларга оид факторлар билан тескари боғланаётганлиги, яъни нотўғри саволлар ($r=0,885, p \leq 0,01$), бетараф саволлар ($r=0,871, p \leq 0,01$) факторлари билан, ҳаракат вазиятларини билмайдиган шкала ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган ($r=0,584, p \leq 0,01$), ҳаракат вазиятларини биладиган ($r=0,385, p \leq 0,01$) факторлари билан, ҳаракат вазиятларини биладиган шкала ҳаракат вазиятларини билмайдиган ($r=0,385, p \leq 0,01$), ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган ($r=0,478, p \leq 0,01$) факторлари билан, катталарга бўлган муносабатни билмайдиган шкала катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган ($r=0,295, p \leq 0,05$) факторлари билан, катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган шкала катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган ($r=0,866, p \leq 0,01$), катталарга бўлган муносабатни билмайдиган ($r=0,295, p \leq 0,05$) факторлари билан, катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган шкала катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган ($r=0,866, p \leq 0,01$) факторлар орасида ўрта даражада корреляцион алоқалар кузатилаётганлигини кўриш мумкин.


6- жадвал

“Оила расми” методикаси бўйича корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти бўйича)

Онага бўлган муносабат	Отага бўлган муносабат	0,426**
	Дўсти ва дугонасига бўлган муносабат	0,408**
	Қизиқувчанлик	0,301*
Отага бўлган муносабат	Буви ва боболарга бўлган муносабат	0,289*
	Дўсти ва дугонасига бўлган муносабат	0,369**
	Педагогга бўлган муносабат	0,317*
	Мулоқотчанлик	0,310*
Ота-онага бўлган муносабат	Хулқ-атворнинг ижтимоий адекватлиги	0,385**
Ака-ука ва опа-сингилларга бўлган муносабат	Мулоқотчанлик	0,300*
Буви ва боболарга бўлган муносабат	Отага бўлган муносабат	0,289*
Педагогга бўлган муносабат	Отага бўлган муносабат	0,317*
Қизиқувчанлик	Онага бўлган муносабат	0,301*

Ёпиқлик, қарама-қаршилик	Ака-ука ва опа-синглиларга бўлган муносабат	0,298*
Хулқ-атворнинг ижтимоий адекватлиги	Ота-онага бўлган муносабат, ота-она сифатидек қабул қилиш	0,385**

изох: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.



2-расм Оила методикаси бўйича корреляция кўрсаткичлари

